

Автомобиль йўллари қўмитасининг "Шаффоф йўл" онлайн ахборот платформасини яратиш бўйича бозор нархларига асосланган таклифларни олиш учун танлов эълон қиласди.

Танлов йўналиши: Ахборот-коммуникация технологиялари.

Яратиладиган платформа номи: "Шаффоф йўл" онлайн ахборот платформаси.

"Шаффоф йўл" онлайн ахборот платформаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони, 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги 49-сон қарори талаблари асосида белгиланган муддатларда, ахборот тизимларини яратиш бўйича амалдаги давлат стандартларига қатъий риоя қилган ҳолда яратлиши ва соҳага тадбиқ этилиши лозим.

Платформани ишлаб чиқувчи корхона амалдаги қонун хужжатларга мувофиқ Давлат харидлари савдолари асосида аниқланади. Давлат харидлари савдолари иккита лотда амалга оширилади. Биринчи лотда – "Шаффоф йўл" платформаси асосий интерфейси ва унинг "Бош сахифа", "Статистика", "Интерактив харита", "Хужжатлар", "Янгиликлар", "Боғланиш" модуллари. Иккинчи лотда – "Рейтинг", "Тендер", "Авария холатлари" модуллари.

Батафсил маълумот ва техник топшириқни [www.uzavtoyul.uz](http://www.uzavtoyul.uz) сайтидан олишингиз мумкин.

Автомобиль йўллари қўмитасининг "Шаффоф йўл" онлайн ахборот платформасини яратиш бўйича бозор нархларига асосланган таклифлар 2022 йил "5" апрелга қадар қабул қилинади.

**Саволлар бўйича қўйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:**

Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68 уй, Тошкент, Ўзбекистон.

Автомобиль йўллари қўмитаси,

Гаппаров Махмуджон Джураханович,

Назиров Шавкатилло Хабибуллаевич

Телефон: 71-207-68-67, қўшимча: 110, 120

Эл. манзил: [akt@uzavtoyul.uz](mailto:akt@uzavtoyul.uz)